**Бундан икки йил аввал ВЦСПС ва СССР Меҳнат давлат комитети қошида жамоатчилик фикрини ўрганувчи Бутуниттифоқ маркази ташкил этилганди. Ўтган йили эса марказнинг Ўзбекистон бўлими иш бошлади. Мухбиримиз бўлим раҳбари Б. УМАРОВ билан марказ фаолияти ва унинг олдида турган муаммолар хусусида суҳбатлашди.**

• *Омма фикрига эътибор*

# ЗАМОН ТАЛАБИ

**— Баҳодир Зокирович, айтинг-чи, нима сабабдан худди шундай марказ тузиш зарур бўлиб қолди?**

— Эндиликда мамлакатимиздаги муаммоларни кенг халқ оммаси билан биргаликда ҳал қилиш, барча масалаларда жамоатчилик фикрини инобатга олиш зарур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Москвада ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганувчи Бутуниттифоқ маркази ташкил этилди. Унга таниқли социолог ва программист олимлар, ҳисоблаш техникасининг йирик мутахассислари, журналистлар ва бошқа соҳа вакиллари жалб қилинди. Ҳозир бу ерда 180 дан зиёд киши фаолият кўрсатяпти. 15 та иттифоқдош республикада марказнинг бўлимлари очилган.

**— Марказ вазифаси нималардан иборат?**

— Бизнинг ташкилотимиз олдида турган асосий вазифа — жамиятимиздаги энг долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий муаммолар бўйича кенг қамровли социологик тадқиқотлар олиб бориб, улар асосида ҳукумат органларига тегишли таклиф ва мулоҳазалар киритишдан иборат. Муаммоларни тезда ҳал этиш ва бунда адашмаслик учун кўпчилик фикрига суянган ҳолда иш кўрилади.

Марказимиз бу йил мамлакат аҳолиси ўртасида 100 дан ортиқ муаммо бўйича сўровлар ўтказишни мўлжаллаган. Уларнинг мавзуи турлича бўлиб, ҳозирги давримизнинг энг долзарб муаммоларини ўз ичига олади. Масалан, аҳолини иш билан тўла таъминлаш масаласи, яшаш минимуми, жамиятимиздаги хотин-қизлар аҳволи, ёшлар тарбияси, иттифоқдош жумҳуриятлар иқтисодий мустақиллиги, нарх-наво муаммолари ва ҳоказолар.

Марказ фаолиятининг асосий мақсади қайта қуришга хизмат қилиш. Шунинг учун ҳам биз ўз йўналишимизни белгилаб олаётганда сўровлар мавзуини албатта қайта қуриш тақдирига бўлган муносабатларни чуқурроқ ўрганишга қаратамиз.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим. Энг муҳими, марказимиз томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг асосий жиҳатлари СССР Олий Совети ва бошқа идора этуви органлар томонидан инобатга олиняпти. Масалан, социологларимиз кам таъминланган оилалар, пенсионер, кўп болали оналар ва бошқа оғир турмуш кечираётган кишиларнинг аҳволини яхшилаш борасида амалий чора-тадбир кўришни уқдириб ўтишган эди. Пенсия таъминотига доир ўтказган тадқиқотимизда саволларга жавоб берган ўртоқларнинг қарийб 85 фоизи пенсия ҳақидаги Қонунни имконияти борича тезроқ қабул қилиш лозимлигини таъкидлашган. Шу асосда СССР Олий Советининг II сессияси кам таъминланган гражданларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун 6 миллиард сўм маблағ ажратганлигини эслаш кифоя.

**— Марказ фаолиятига унинг Ўзбекистон бўлими қандай ҳисса қўшяпти? Биздаги сўровлар қайси тилда олиб борилмяпти?**

— Бўлимимиз ўтган йилнинг апрель ойида ташкил этилган бўлиб, унда тўрт нафар илмий ходим ишлайди. Бир йил давомида биз 20 га яқин Бутуниттифоқ тадқиқотларида иштирок этдик. Бу йил марказнинг таклифига кўра, 50 дан зиёд социологик тадқиқотлар ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Бундан ташқари республикадаги манфаатдор ташкилотлар билан ҳам шартнома тузиб, улар буюртмасига биноан изланишлар олиб борамиз. Айни пайтда ана шундай шартномаларнинг бири бўйича кўзда тутилган ишларга якун ясаб, анчагина иқтисодий фойда олдик. Ҳозир Ўрта Чирчиқ район ижроия комитети, Навоий шаҳар партия комитети, «Средазгаз» бирлашмалари билан шартномалар тузиш арафасидамиз.

Энди сўровларга келсак, улар албатта ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Зарур ҳолларда русча анкеталар ўзбек тилига ағдарилиб, интервьюерлар (социологлар тили билан айтганда респондентлар, яъни сўровни олиб борувчилар)га тарқатилади. Бўлимимизнинг республика бўйича 9 та пункти бор. Интервьюерликка зиёлилар, студентлар, пенсионерлар ва бошқа кишилар жалб қилинган.

**— Мулоқотни олиб борувчиларга қандай талаблар қўйилади?**

— Энг муҳими, улар одамлар билан тез тил топишиб кетишлари лозим. Бунинг учун аввало интервьюернинг ўзи фазилатли бўлиши, топширилган вазифани қизиқиш билан бажариши, кишиларнинг кайфиятига алоҳида эътибор бериши керак. Амалда у тарозининг икки палласини ҳам тенг ушлаб тура оладиган, ҳар томонлама маълумотли, зийрак киши бўлиши ва профессионал талабларга жавоб бера олиши лозим.

**— Сўнгги савол: бўлим олдида турган муаммолар, келажак режалар ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз.**

— Бўлимимиз имкони борича жумҳуриятимиз миқёсида кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қиляпти. Афсуски, бизда жой масаласида етарлича имконият бўлмаганлиги туфайли ишимизда қийинчиликларга дуч келяпмиз.

Яқинда жумҳуриятимиз ҳукуматининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари биринчи сессиясида сайланган янги вакиллари бўлим фаолияти билан танишиб, уни ривожлантиришга ёрдам берадиган бўлишди.

Менимча, республикамизнинг ўзида жамоатчилик фикрини ўрганувчи алоҳида марказ тузиш зарур. Негаки, Бутуниттифоқ маркази томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар қанчалик кенг қамровли бўлмасин, бу тадқиқотлар жумҳуриятимиздаги ўзига хос хусусиятларни илғамаслиги мумкин. Қозоғистонда шундай марказ фаолият кўрсатиб турибди. Хўш, бизда марказ очса бўлмайдими? Албатта, бўлади. Фақат жамоатчилик фикрини ўрганишга қизиққан тегишли ташкилотлар ва муассасалар жонбозлик кўрсатишса бас. Ана шунда республика ҳукуматига ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишига бирмунча ёрдам берилган бўлур эди.

**Суҳбатдош «Совет Ўзбекистони» мухбири А. БОЛИЕВ.**

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● МОСКВА

**● РСФСР Советлар уйида РСФСР Олий Советининг Раиси Б. Н. Ельцин бозор иқтисодиётига ўтиш Иттифоқ режаларини тайёрловчи ишчи гуруҳ билан учрашди. Бу гуруҳ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти билан РСФСР Олий Совети Раиси ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ 2 августда тузилган.**

**Гуруҳнинг иш режалари муҳокама қилинди, бу иш режалари мазмуни юзасидан Г. А. Явлинский, С. С. Шаталин, Н. Я. Петраков, Л. И. Абалкин сўзга чиқдилар.**

**Аниқ иш режалари ишлаб чиқилди, тегишли топшириқлар белгиланди. Илмий, жамоат ва профессионал жамоалар вакиллари билан кенг алоқа қилиш кўзда тутилди.**

**Учрашувда РСФСР Министрлар Кенгашининг Раиси И. С. Силаев қатнашди.**

● ЕРЕВАН

**● Арманистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди.**

**Сессияда жумҳурият Олий Совети Раисининг ўринбосарлари сайланди. Арманистон умуммиллий ҳаракати раҳбарларидан бири, «Қорабоғ» комитетининг аъзоси, Ереван давлат дорилфунунининг доценти Б. Араркцян биринчи ўринбосар бўлди. Арманистон Компартияси Марказий Комитети ижтимоий-иқтисодий бўлим мудири Г. Арутюнян ўринбосар қилиб сайланди.**

**[ТАСС].**

• *Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари*

# ҚИРҒОҚДАГИ ОДАМЛАР

Эсимда, дарёчиларнинг ўтган йилги конференциясида порт бошлиғи демократик асосда сайланган эди. Ўшанда корхона раҳбари Виктор Автономович Ченчикка осон бўлмади. Йигирма бир йиллик иш тажрибаси, одамлар билан ишлаш маҳорати, обрў-эътибори бир томонда қолди. Дарёчилар унга ва номзоди қўйилган бошқа кишиларга жиддий, оғир саволлар беришди. Йиғилганларни кўпроқ бир нарса: дарё порти керакми ёки йўқми, деган масала қизиқтирарди.

Бордию, керак бўлса, уни қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин, бу ердаги одамларнинг иш ҳақини ошириш, яхшироқ яшаши учун шароитлар яратиб беришнинг имкони борми? Бўлажак раҳбар ана шу масалаларни ечишда ишбилармон мутахассис бўлиши, муҳими — одамларни ўз ортидан эргаштира билиши лозим эди.

Йиғилиш қатнашчилари ишдаги камчиликларни тезроқ тугатиш шарти билан яна ўзларининг эски қадрдонлари — Виктор Автономовичнинг номзодига тўхталдилар. Хуллас, у ишни қайтадан ташкил қилишга, дарё портидаги аҳволни ишчилар билан ҳамкорликда ўнглашга киришди. Аввало, корхона учун деярлик зарур бўлмаган штатлар қисқартирилди, узоқ йиллар ишлаб келган докер ва шкиперлар ҳурмати жойига қўйилиб пенсияга кузатилди. Дарёчилар уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган қурилиш бригадалари тузилди. Ҳар бир жойда, ҳар бир участкада асосий эътибор ижро интизомига қаратилди.

Ҳамжиҳатлик билан қилинган ҳаракат, ишга янгича муносабат, изланишлар ўз самарасини берди. Порт аҳволи бирмунча яхшиланди. Сирасини айтганда, қийинчиликлар ҳам кўпайди. Термиз — Ҳайратон кўприги қурилгандан кейин юклар тўғридан-тўғри у орқали ўтказиладиган бўлди. Бунинг устига Афғонистон тарафдаги портларни душманлар ўққа тутиб, вайрон қилишди, баъзиларини эса эгаллаб олишди. Бу эса қўшни афғон халқига жўнатилаётган юкларни дарё орқали ташишда бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Шерхон порти билан алоқа узилиб, юклар жойида тўхтаб қолди. Фақат кейинги икки-уч йил ичидагина аҳвол бироз яхшиланди. Ҳозир Афғонистоннинг бу портига халқ хўжалиги юкларини етказиб бериш яна қайтадан йўлга қўйилган.

Айни пайтда афғон халқининг илтимосига кўра, Термиз дарё портида Шерхон — Термиз — Шерхон йўналишида йўловчи ташийдиган рейс очиш мўлжалланяпти. Портга тез юрар теплоходлар келишига қулайлик яратиш мақсадида соҳил бўйлари қумдан, ҳар хил ахлатлардан тозаланяпти.

— Афғонистонлик ҳамкасбларимиз билан алоқани мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Термиз дарё порти бошлиғи В. А. Ченчик. Шу йўлда муҳим тадбирлар белгилаб чиққанмиз. Бу йилдан бошлаб юкларни ташиш, ортиш ва тушириш ҳамда уни сақлаш учун тўланадиган хизмат ҳақи анча оширилди. Бу эса ишимизда бир оз бўлса-да, ўзгариш ясади. Эндиликда қилинган меҳнатимизга яраша фойда оладиган бўлдик.

Ҳозир бизнинг портимиз омборларида дон сақланяпти. Доннинг ҳар бир тоннасини сақлаганимиз учун суткасига 21 сўмдан пул тўлашяпти. Очиғи, биз учун энг қулайи — юкни ўз вақтида эгасига топшириш. Тўғрисини айтадиган бўлсам, юкни сақлаганлик учун хизмат ҳақи олиш билан корхона иқтисодий аҳволини ўнглаб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, биз докер-механизаторлар штатини тенг ярмига қисқартирдик. Уларнинг бир қисмини қурилиш бригадаларига жалб этдик.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда дарё порти атрофида аҳоли яшайдиган турар жой бинолари барпо этиляпти. Термиз шаҳар ижроия комитети дарёчиларга уй-жой, маданият масканлари қуриб олишлари учун 6 гектар майдонни ажратди. Айни кунларда 50 дан зиёд хонадон янги уйларга кўчиб ўтиш арафасида турибди. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг кўрсатаётган ғамхўрликларидан руҳланган дарёчилар янада самарали ишлашяпти. Масалан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юк ташиш анча яхшиланди. Шу йилнинг олти ойида 117 минг ўрнига 164 минг тонна турли халқ хўжалик юклари манзилга етказиб берилди. Шуниси қувончлики, бу ишларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Термиздаги ваколатхонаси дарё порти ходимлари ишчиларига амалий ёрдам кўрсатмоқда. «Астрахань», «Владивосток», «Шайдаков», «Тошкент» сингари теплоходларнинг жамоалари ҳам дарёчилар билан ҳамкорлик қилишяпти.

Термиз дарё портида ишловчилар турли миллат вакилларидан иборат. Лекин уларнинг бир-бирига ҳурмати кучли. Зеро, бир-бирига ҳурмат, бирлик бор жойда эса қут-барака бор. Бир мақсад йўлида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётган дарёчиларнинг ютуғи ҳам шунда.

**Г. САИДМАЛИКОВ,**
**Термиз шаҳри.**

## Маслаҳатлашувлар давом этмоқда

6 август куни Катта Кремль саройининг Грановитая палатасида иттифоқдош республикалар Олий Советларининг мухтор вакиллари билан СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советининг ишчи гуруҳи ўртасидаги маслаҳатлашувлар давом эттирилди.

Куннинг биринчи ярмида Белоруссия ССР Олий Советининг Раисининг ўринбосари В. И. Шолодонов ва Белоруссия ССР халқ депутати В. Н. Заблоцскийдан иборат Белоруссия ССР Олий Советининг вакиллари билан учрашув бўлди.

Белоруссия ССР вакиллари давлат муассасаларини ва умуман жамиятни демократиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Иттифоқ шартномасининг лойиҳасини таклиф этдилар. Ўртага қўйилган ғоялар ва таклифлар амалий тусда муҳокама қилинди, бу ғоялар ва таклифларнинг асосини янги иттифоқ муносабатларини вужудга келтириш нияти ташкил этади. Янги Иттифоқ шартномасининг бу қоидалари бошқа иттифоқдош республикалар иштирокида ишлаб чиқилади, деб келишиб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида Молдово ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари В. С. Пушкаш билан республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. М. Оборокдан иборат Молдово ССР Олий Советининг вакиллари билан учрашув бўлди.

(ТАСС).



## БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЯҚИН

**— «Алифбе»нинг чиройли безатилганини қаранг.**

**— «Ўзбек тили» дарслиги ҳам ундан қолишмайди.**

**— Барча дарсликлар шундай, кўриб ҳавасингиз келади.**

**Янги ўқув йили арафасида мактаб кутубхоналарида, ўқувчилар давраларида шундай баҳслар бўлаётганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон жумҳурияти Матбуот давлат комитетининг «Ўқитувчи» нашриёти жамоаси мактаб дарсликлари нашр этиш режасини ошириб адо этди. Жумҳурият мактаблари ва қўшни жумҳуриятларга 88 номдаги 19 миллиондан ортиқ китоб жўнатилди. Уларнинг орасида янги дарсликлар ҳам бор. Бошланғич синфлар ўқувчилари илк бор дарсликларнинг рангли тўпламларини оладилар.**

**Шунга қарамай бу йил нашриёт учун оғир йиллардан бири бўлди. Қоғознинг камёблиги, босмахона дастгоҳларининг эскирганлиги панд берди. Лекин улар халқ депутатларининг буюртмаларини аниқ бажаришга эришдилар. Бунинг учун муҳаррирлар таркиби ишини тўғри йўлга қўя билдилар.**

**«Ўқитувчи» нашриёти бугунги кунда мамлакатимиздаги йирик ўқув педагогик нашриётлардан биридир. Улар шу кунларда келгуси йил чиқадиган дарсликларни 1 январгача чоп этишга киришганлар.**

**Суратда: нашриёт ходимлари янги китобларни кўздан кечирмоқдалар.**

**Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).**

• *Эзгу анъаналаримиз*

## ТЕГИРМОНДА УН ТОРТИБ

Қишлоқларда ун танқислиги мавжуд. Новвойхоналар мунтазам ишламайди, пиширилаётган ноннинг сифати талабга жавоб бермайди. Айни вақтда бировга тегирмон унидан нон пиширдим десангиз, сизга ишонмаслиги турган гап.

**— Ўзимизнинг буғдойдан тегирмонда ун тортиб, нон пишириш одамларга маъқул тушяпти, — дейди Нурота шаҳар Нурота маҳалласи комитетининг раиси Баҳодир Сафаров. — Таъми нони Осиё билан менгзагули.**

Нурота — вилоят марказидан 200 километр узоқликда жойлашган. Тайёр унни шунча жойга ташиб келтиришнинг ўзи — катта харажат. Кейин қанча электр энергияси керак. Агар шу ернинг ўзида етиштирилган дондан ун қилинса-чи? Ваҳолонки, бунинг учун йирик каналлару, кескир шамоллар шарт эмас экан. Нуроталиклар шаҳардан оқиб ўтувчи ариқдан фойдаланишди.

— Хонадонларда сақланиб қолган тегирмон тошлари топилди, — дея сўзини давом эттирди Баҳодир ака. — Ариқлар бўйига тегирмон ўрнатдик. Ҳаммаси ҳашар йўли билан бўлди.

Айтгандай, бу ердагилар хизмат ҳақини ҳам келишиб олишди: бир халта ундан икки килограмм. Тўғри, меҳнат унумдорлигини юқори деб бўлмайди — бир ярим соатда 50 килограмм ун тайёрланади. Аммо унинг сифатига, энг муҳими, кам харажат эвазига тайёрланаётганлигига ҳамма тан беряпти. Шунинг учун ҳам нуроталиклар шаҳардаги 30 та маҳалланинг ҳар бирида ана шундай тегирмон қуришни режалаштиришган. Бундай эзгу ҳаракат вилоятнинг Нарпай, Иштихон районларида ҳам кенг қулоч ёймоқда.

**Ф. ТОШЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ТАШРИФ ТУГАДИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифига биноан республикамизга келган Тунис парламент делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди. Делегацияга депутатлар палатасининг сиёсий масалалар ва ташқи иқтисодий алоқалар комиссияси аъзоси, «Демократик конституцион бирлашма» сиёсий партиясининг котиби, «Тунис — СССР» жамиятининг вице-президенти Муҳаммад Бин Соад бошчилик қилди. Туниснинг СССРдаги элчиси Аҳмад Абдерrауф Унайес меҳмонларга ҳамроҳ бўлди.

Делегация Ўзбекистон ССР Олий Советида қабул қилинди. Тунис парламент аъзолари ва республика Олий Совети депутатлари ўртасида пахтани қайта ишлаш, қўшма корхоналар ташкил этиш, қадимий қўлёзмаларни ўрганиш соҳасида Ўзбекистон билан Тунис ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрлашув бўлиб ўтди.

Делегация аъзолари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида бўлдилар. Саноат корхоналарига, хўжаликларга бордилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Тунис парламентининг аъзолари Самарқандга сафар қилдилар.

7 август куни меҳмонлар Москвага жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

• *Диққат: янгилик!*

## ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ

**Жумҳурият матбуотида олий ўқув юртларининг талабаларига машҳур олимлар номидаги стипендиялар таъсис этилганлиги ҳақида хабар қилинган эди. СССР илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон жумҳурият бошқаруви истеъдодли ёшлар ўқиши ва турмушини яхшилаш борасидаги ғамхўрликни давом эттирмоқда. Эндиликда ўрта мактабларнинг 10- ва 11-синфларида ўқийдиган иқтидорли ўғил-қизлар учун стипендия ажратилади. Бу янгилик ҳақида редакциямизга Ўзбекистон ССР ФА вице-президенти Т. РАШИДОВ хабар қилди.**

Янгилик ҳақида батафсилроқ билиш учун илмий ва инженерлик жамиятлари жумҳурият бошқарувида бўлдик. Бошқарувнинг масъул котиби Д. Исматуллаев Ўзбекистоннинг фан ва техника соҳасидаги келгуси тараққиётини ҳозирдаёқ белгилашдек улуғ ва хайрли ишга ҳисса қўшиш олим ва инженерларнинг ватанпарварлик бурчи эканлигини таъкидлади.

**— Ўқувчилар учун стипендия маблағининг манбаи ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Илмий ва инженерлик жамиятлари ўз фаолиятларини иқтисодий ислоҳот, яъни хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида қайта қурмоқдалар. Фан-техника мутахассислари ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини амалиётда жорий этиш учун корхона ва ташкилотлар билан хўжалик шартномаси тузишяпти. Янги техника ва технология асосида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга бераётган ёрдамимиз ҳам ҳар икки томонга катта наф келтирмоқда. Шу йўсинда йиғилаётган маблағлардан оқилона фойдаланиш жамиятларимиз жумҳурият бошқаруви президиумининг доимий диққат марказида турибди.

Инқилобий қайта қуриш жумҳуриятимизда энди ҳақиқий йўналишга эга бўлмоқда. Келажак ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган жамият ҳеч қачон ривожлана олмайди. Мен бу ўринда Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди таълим-тарбияни тубдан яхшилаш соҳасида олдимизга қўйган вазифалар ва жумҳуриятимиз Президентининг тегишли Фармонларини назарда тутяпман.

Ана шулардан келиб чиқиб, жумҳурият мактаб ўқувчилари учун илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон бошқарувининг стипендияларини таъсис этиш ҳақида қарор қилинди.

**— Унинг миқдори қанча? Ўн минглаб юқори синф ўқувчилари орасидан бу имтиёз соҳибларини қандай аниқлаб оласизлар?**

— Стипендия ойига 25 сўм миқдорида белгиланди. Унинг бўлажак эгаларини уюшмамизнинг вилоят бошқарувлари тегишли халқ таълими бўлимлари билан биргаликда тузган комиссиялар 10- ва 11-синфларнинг аълочи ўқувчилари орасидан саралаш йўли билан аниқлайди. Бунда кам даромадли оилаларда тарбияланаётган энг иқтидорли, истеъдоди ярқ этган умидли йигит-қизларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтирилди. Уларга янги ўқув йилида 120 та (ҳар вилоятда 10 тадан) стипендия берилади.

Илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмасининг жумҳурият бошқаруви ушбу хайрли тадбирни амалга оширар экан, номзодларни танлашда ўта холислик кўрсатади ва ижтимоий адолат йўлидан боради. Вилоятларда ана шу мақсадда тузиладиган комиссиялар стипендия тўғри тўланиши ва стипендиаторларнинг ўзлаштиришини доимий назорат қилиб, уларни ўрта умумий таълим мактабини тамомлаганларидан сўнг танлаган ихтисоси бўйича олий ўқув юртларига тавсия этадилар.

**А. АБДУБАННОПОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

# Дунё овози

## ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА

**Хавфсизлик Кенгаши маслаҳатлашув ўтказди. Маслаҳатлашув чоғида Ироқнинг Қувайтга қуролли бостириб кириши муносабати билан унга қарши халқаро жазо чораларини қўлланиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш учун масъул бўлган БМТнинг мана шу муҳим органи аъзолари диққат эътиборни АҚШ делегацияси таклиф этган резолюция лойиҳасига қаратдилар, унда Ироққа қарши халқаро ҳамжамият қаттиқ иқтисодий чора кўриши кўзда тутилади. Муҳокама қилинаётган чоралар орасида Ироқ ва Қувайтдан молларни келтиришни тақиқлаб қўйиш, ана шу икки мамлакатга ҳар қандай моллар ёки маҳсулотларни киритишни тақиқлаб қўйиш, шунингдек бирор молиявий ёрдам беришни тақиқлаш каби чоралар бор. Ана шу жазо чоралари амалга оширилишини кузатиб туриш учун Хавфсизлик Кенгашининг махсус комитетини тузиш кўзда тутилади.

## ЧЕЙНИ САФАРИДАН МАҚСАД

**АҚШ мудофаа министри Ричард Чейни Саудия Арабистонига сафарга жўнаб кетди.**

Си-Би-Эс телекомпаниясининг хабар қилишича, президент Буш Ироқ қўшинларининг Қувайтга бостириб кириши натижасида юз берган кескин вазият муносабати билан мудофаа министрининг ушбу сафари тўғрисида қарор қабул қилган.

«Ҳукумат назорати остидаги Ироқ телевидениеси гўё ватанига қайтаётган қўшинлар тасвирланган кадрларни кўрсатди, — деб хабар қилди Си-Би-Эснинг Пентагон ҳузуридаги мухбири Дэвид Мартин ўз репортажида. — Бироқ Америка разведка маҳкамалари қўшинларнинг қайси йўналишда ҳаракат қилаётганликлари — шимолга—Ироқ томонгами ёки жанубга—Саудия нефть конлари томонигами, равшан эмас, деб ҳисобламоқдалар, Саудия нефть конларининг эгаллаб олиниши сўзсиз равишда АҚШ билан ҳарбий можарога олиб борган бўлур эди.

Президент Бушнинг Саудия Арабистонига Ироқ агрессиясига йўл қўймаслик имкониятлари жуда чекланган, чунки саудияликлар ўз базаларига Америка ҳарбийларининг киришига йўл қўймадилар. Шу сабабли президент мудофаа министри Ричард Чэйнини у ердаги базаларга Америка қўшинлари киритилишига саудияликларни кўндиришга уриниб кўриш учун Саудия Арабистонига сафарга жўнатди.

## УРИНИШЛАР БАРБОД БЎЛДИ

**Шри Ланка ҳукумат қўшинлари «Тамил илама» (ТОТИ) озодлик йўлбарслари тўдаларидаги жангариларнинг Жафна шаҳри қалъасини эгаллашга уринишларини барбод қилдилар.**

ЮНИ ахборот агентлигининг таъкидлашича, ҳукумат Жафна шаҳрини бетараф зона деб эълон қилишни таклиф этгандан сўнг бир неча кун ўтгач, Тамил жангарилари қалъага ҳужумни бошлаганлар.

13 та сиёсий партиянинг Коломбода эълон қилинган баёнотида ҳукумат қўшинлари билан ТОТИ ўртасидаги уруш ҳаракатлари натижасида икки ой ичидаёқ минглаб тинч аҳоли қурбон бўлганлиги таъкидланади. Ҳужжатда «йўлбарслар» мусулмонлар ва сингалларни кўплаб ўлдираётганлиги муносабати билан ташвиш билдирилади.

## ҚИРОЛ ДАЪВАТИ

**Жанубий Осиё мамлакатлари ҳарбий харажатларни камайтириш ва бўшаб қолган ресурслардан тараққиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш имкониятларини жиддий равишда кўриб чиқишлари керак.**

Непал қироли Бирендра Ҳималайдаги қироллликка уч кунлик расмий ташриф билан келган Ҳиндистон ташқи ишлар министри И. К. Гужрал билан Катманду шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда гапирди. Қирол Ҳиндистон бундан буён ҳам Жанубий Осиё регионал ҳамкорлиги уюшмаси доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам беради, деб умид билдирди.

Ҳиндистон—Непал музокаралари натижасида муҳим аҳдномаларга эришилди. Жумладан, томонлар Уттар—Прадеш штатидаги туташ чегара районида яна учта назорат қилиб ўтказиш пункти очиш мажбуриятини олдилар. Деҳли билан Катманду Ҳиндистоннинг чегара шаҳарларини Непалнинг марказий районлари билан боғлайдиган учта темир йўл қуришда ҳамкорлик қилишга келишдилар.

(ТАСС).

